



**Journal of**  
**NATURAL SCIENCE**

<http://natscience.jspi.uz>

№5/3(2021)

biology chemistry geography



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI  
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
TABIIY FANLAR FAKULTETI**

*dotsenti, kimyo fanlari nomzodi*

**DAMINOV G‘ULOM NAZIRQULOVICH**

*tavalludining 60 yilligiga bag‘ishlangan*

onlayn konferensiya materiallari



**Jizzax-2021**

<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Беларусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д, доц</li><li>9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф</li><li>12. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.</li><li>13. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>14. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>15. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>16. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>17. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>18. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>19. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>20. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>21. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li><li>22. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ  
ДЕГРАДАЦИЯЛАШУВИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

*А.Ғанпоров, Ж.Холмирзаев- ўқитувчилар*

*Ў.М.Саримсоқов- 4-курс талабаси*

**Аннотация:** Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг географик хусусиятлари табиий географик омилларга боғлиқ холда тахлил қилинган. Шунингдек Жиззах вилоятининг 2020-2021 йилдаги статистик тахлиллари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** ер ва сув ресурслари, географик омиллар, вилоятнинг статистик тахлиллари, дегредациялашув.

**Аннотация:** Географические особенности земле и водопользования анализируются с учетом природно-географических факторов. Также описан статистический анализ Джизакской области за 2020-2021 годы.

**Ключевые слова:** земельные и водные ресурсы, географические факторы, статистический анализ региона, деградация.

Ер азалдан халқнинг энг асосий ва бебаҳо бойлиги, чинакам умумхалқ мулки ҳисобланади. У мамлакатимиз миллий бойлигининг энг муҳим қисми, ишлаб чиқаришни юритишнинг асосий негизидир. Айниқса, ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда муҳим восита ролини ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасида табиий объектлари, жумладан ер, умумхалқ бойлигидир ва улар давлат муҳофазада, аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришда ер бойликларидан унумли ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ердан илм-фан тавсиялари асосида самарали фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри таминлаш, шак-шубҳасиз қишлоқ хўжалигини ривожланишнинг асосий омилларидан биридир.

*Ҳозирги вақтда суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун авваломбор ҳар бир объектни тизим деб қарамоқ мақсадга мувофиқдир. (Суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш Тажиев К.К. Ўзб. геог жамияти 2014 й. 43-сон).*

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ер ресурсларининг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги муҳим аҳамият касб этади. Уни ривожлантиришнинг асосий омиллари аввало жойнинг табиий географик шароитидир. Ҳусусан ерни унумдорлигини ошириш учун жойнинг географик ўрни, жойнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонлари, тупроқ ости тоғ жинсларининг кимёвий таркиби ва тузилиши, жойнинг рельефи ва ўлканинг геологик ёши, шунингдек, антропоген таъсир кабилар муҳим фактор ҳисобланади.



Ер инсониятнинг бебаҳо бойлигидир, у ўсимликлар дунёси билан биргаликда инсонни озиқ-овқатлар билан таъминлайди, кийинтиради. Ер қанчалик ҳосилдор бўлса, у инсонга шунчалик илтифот кўрсатади, кишилар ҳаёт учун зарур бўлган нозу-неъматларни етказиб беради. Шу сабабли, бошқа минтақалар каби Жиззах вилоятидаги ерларни мелиоратив ҳолатини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Воҳа ерларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш учун ер ресурслариога доир барча табиий ва антропоген омилларни пухта ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида „Экин майдонларини янада оптималлаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш,“ масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Демак, Ўзбекистон Республикасида ер-тупроқ ресурслари мавжуд ҳамма соҳаларнинг таянчи, асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторининг ривожланиши шунга боқлиқлиги, қишлоқ хожалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлмиш Ер-тупроқ қоплами ер биоқатламининг барқарорлиги ва унинг экологик ҳолатини сақлаб туришда ҳам катта рол ўйнайди.

Президентимизнинг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга бўлган эътиборини янада кучайтирди. Демак, иқтисодиёт тармоқларини янада ривожланиши бевосита сув ва ернинг унумдорлигига боғлиқ. Мелиоратив ҳолат сизот сувлари чуқурлиги, уларнинг минерализацияси ҳамда тупроқ шўрланиш даражаси билан аниқланади. Ҳозирги вақтда ерларнинг мелиоратив ҳолати кўрсаткичларини далаларнинг сув таъминоти, суғориш сувларининг сифати (минерализацияси), дренажланиши, ирригация ва дренаж тизимларининг техник ҳолатиларидан ажратиб, таҳлил қилиб бўлмайди.

Жиззах вилоятининг 2021 йил 1 январ ҳолатига тузилган ер ҳисоботи бўйича вилоятнинг умумий фойдаланишидаги ер майдони 2117830 гектарни ташкил этиб, шундан жами суғориладиган ерлар 303872,0 гектар. Жами ҳайдаладиган экин ерлар 486823,0 гектар, шу жумладан сугориладиган экин ерлар 259877,0 гектар, лалми ҳайдаладиган ерлар 226946,0 гектар. Кўп йиллик дарахтзорлар жами 27346,0 гектар, шундан боғзорлар 16170,0 гектар, узумзорлар 8810,0 гектар, тутзорлар 2121,0 гектар, кўчатзорлар 245,0 гектарни ташкил қилади. Бўз ерлар 11316,0 гектар, пичанзорлар 12400,0 гектар, яйловлар 724119,0 гектарни, жами қишлоқ хўжалиги ерлари 1262005,0 гектарни ташкил этади. 34414 гектар аҳоли томорқа ерларини, 56,0 гектар боғ

ва сабзавотчилик уюшмалари ерларини, 5136,0 гектар мелиоратив қурилиш остидаги ерларни, 163754,0 гектар ўрмонзорларни ва 652465 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерларни ташкил этган.

Вилоятда табиий шароитнинг ноқулай келиши, аҳоли сонининг йилдан ортиб бориши, ерларга бўлган талабнинг кўпайиб бориши, аҳолида экологик таълим тарбиянинг йўқлиб экологик саводсизлик натижасида табиатга бўлган салбий таъсирнинг кучайиши, сув ва ердан натўғри фойдаланиши каби кўплаб салбий омилларнинг таъсири натижасида ер ресурслари унумдорлиги камайиб кўплаб ерлар ишдан чиқмоқда. Натижада вилоятда бир йилда 2021 йилда 2020 йилга нисбатан қуйидаги ўзгаришлар рўй берди. Хусусан: жами хайдаладиган экин ерлар 2440,0 гектарга камайган, шундан, суғориладиган экин ерлар 152,0 гектарга кўпайган (кўпайиш сабаби суғориладиган кўп йиллик дарахтзорлар бузилиб сувли экин ер турига ўтказилди), лалми экин ерлар 2592,0 гектарга камайган (камайиш сабаби ушбу майдонлар ўрнида боғ ва токзорлар барпо этилганлиги учун лалми экин ердан кўп йиллик дарахтзор турига ўтказилди) Кўп йиллик дарахтзорлар жами 5018,0 гектарга кўпайган (кўпайиш сабаби 2578 гектар яйлов ва 2592 гектар лалми ерларда кўп йиллик дарахтзорлар барпо этилганлиги учун ушбу майдонлар кўп йиллик дарахтзор турига ўтказилди), шундан боғзорлар 1599 гектарга, узумзорлар 3448 гектар, мевали кўчатзорлар 7 гектарга кўпайган (сабаби лалми ва яйлов ерлар ҳисобидан боғ, ток ва мевали кўчатзорлар экилган ва ушбу майдонлар кўп йиллик дарахтзор турига ўтказилди). Тутзорлар 37 гектарга камайган, яъни яроқсиз тутзорлар бузилиб ер майдони экин ер турига ўтказилган. Бўз ва пичанзорлар ўзгаришсиз қолди, яйлов ерлар 2578 гектарга камайди (бунга сабаб ушбу майдонда боғ-ток экилган ва ушбу яйлов ерлар кўп йиллик дарахтзор турига ўтказилди). Жами қишлоқ хўжалиги ерлари ўзгаришсиз қолди (Жиззах вилояти кадастр агентлиги маълумотлари).

Мазкур минтақадаги барча суғориш коллектор, дренаж, очиқ ва ёпиқ завур, латок, ариқ каналлар ҳозирда ўзининг яроқлилик муддатини ўтаб бўлган. Бунга шўролар даврида берилган планни ортиғи билан бажариш, ким ўзар, ўзини ҳукуматга яхши кўрсатиш каби иллатлар оқибатида ерга хўжасизларча муносабатда бўлганлик сабаб бўлган.

Натижада бундай ерларнинг қайта шўрланши, ҳосилсизликка, экологиянинг бузилиб баъзи ҳатарли даоажадаги ўпка сили, саратон каби касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлди.

Айтиш жоизки, табиий мухитни инсон хўжалик фаолиятининг зарали таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўламдаги саъйи ҳаракатларни тақозо этади. Катта ўзгаришлар содир бўлаётган шароитда

муаммоларни фақатгина умумий ҳамкорлик асосидагина ҳал қилиш мумкин. Ерларнинг мелиоратив муаммоаси республикаимиз барча бурчакларида ҳам ҳозирда долзарб масала бўлиб, фақат унинг кескинлик даражаси мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида турлича тус олган.

Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада биз, аччиқ ҳақиқатга эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Вилоятда аҳолининг ўсиш суръати нисбатан юқори бўлиб, ҳосилдор ерларни, шаҳарларни ривожлантиришга уй-жой қурилишига, янги корхоналар муҳандислик ҳамда транспорт-коммуникациялари тармоғини барпо этишга бўлган эътибор жадал суръатларда ошиб бормоқда.

Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган бугунги кунда халқимиз, миллатимиз қалбида яна шу ишонч ва эътиқод янада мустаҳкамланмоқда. Вилоятимизни гуллаб-яшнашида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келиб бу ерни ўзига ватан қилиб яшаётган юртдошларимизнинг ҳам беқиёс хиссаси бор. Мустақиллик даврида олиб борилган ишлар, хусусийлаштириш, тадбиркорлик, бозор иқтисодиёти каби омиллар илм-фан ва техника янгиликлари ютуқларини қўллаш каби кўп қиррали ишлар қилинмоқда. Узоқ вақтлардан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилган ариқ-зовурлар, дренаж-қувурлари тозаланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки муҳим қадамлар қўйилди. Вилоятда бугунги кунга келиб ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида кенг кўламда ерларнинг ҳосилдорлиги тушиб, унумдорлик даражаси йўқолиб бормоқда. Кейинги ўн йил ичида ушбу ерларнинг дегредациялашуви оқибатида тупроқ нураши, шўрланиши, ер ости ва ер усти сувларининг сатхи кўтарилишини олдини олиш яхшилашга қаратилган қуйидаги тахлилий илмий хулосаларни бериш мумкин. 1) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқилган кенг кўламда замонавий техника ва технология усуларини кенг жалб қилиш. Қишлоқ хўжалигига ҳам бозор иқтисодиётини кенг тадбиқ қилиш асосида жамоа, ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий тадбиркорликка ўтиш. 2) Маъмурий буйруқбозлик, зўравонлик усулларидан воз кечиш, иш юритишни эски қолипларига барҳам бериш. 3) Алмашлаб экишнинг узлуксизлигини таъминлаш 4) Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғоришни жорий қилиб, сувдан унумли фойдаланиш. 5) Суғорма дехқончиликда ерни кузда чуқур ва маромига етказиб шудгорлаш ва бегона ўтлардан тозалаш. 6) Ерни бонитетини кўтариш учун зарурий агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва амалий таклифларни ҳаётга тадбиқ қилиш 7) Минтақада экологик-мелиоратив

шароитни яхшилаш, ер ости ва ер усти сувларнинг сифат ёмонлашувининг олдини олиш.8) Дехқон-фермерларнинг экологик маданиятини ва билимини ошириб бориш. 9.) Ерларнинг захини қочириш дунё тажрибасига асосланган замонавий таклифларни ҳисобга олиш.10) Дехқончиликда хашоратларга қарши курашишнинг кимёвий усуллари ўрнига табиий ва биологик усуллари қўллаш.11) Қишлоқ инфраструктурасини ўзгартиришга қаратилган давлат дастурини тўлиқ амалга ошириш.

Вилоятнинг иқлими, ер майдони каби табиий географик хусусиятлари ҳали келажакда кўплаб истиқболли режаларни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Чунки қишлоқ-хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар салмоғи республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ-хўжалигида асосий экинлар ғўза ва донли экинларнинг мўлжалдаги ҳосилини етиштириш билан бир вақтда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, уни илмий асосда бошқариш ва муҳофаза қилиш йўллари ишлаб чиқиш давр талабидир. Биз бугунги ва эртанги ватанамизнинг гуллаб яшнаши, озод ва обод ватан қуриш йўлида тинмай меҳнат қилишимизда беъвосита ва бавосита қишлоқ хўжалигининг сув ва мелиоратив ерлар ҳосилдорлигини ўрни каттадир. Сифатли ва унумли маҳсулотларга эга бўлишнинг бирдан бир чораси заминнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш йўли билангина эришишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Jumanazar, J. X. (2020). ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
2. Abdullayev, I., & Xolmirzayev, J. (2020). ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
3. Gapparov, A. N. (2020). Characteristics of population development in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 572-578. 3. Gapparov, A., Haydarova, S., & Zaynutdinova, D. (2020). Мустақиллик йилларида Жиззах вилояти аҳолисининг демографик ривожланиши. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Usmanov, M. R. (2021). The Prospective Of The Development Of Ecotourism In Jizzakh Region. *Journal of Geography and Natural Resources*, 1(01), 8-10.



8. Komilova, N. K. (2021). TOURIST DESTINATION AS AN OBJECT OF RESEARCH OF SOCIAL AND ECONOMIC GEOGRAPHY. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 2058-2067.
9. Хакимов, К. М., & Холмирзаев, Ж. (2021). JIZZAX VILOYATI SUV RESURSLARINING HUDUDIY JOYLASHUVI HAQIDA. *Журнал естественных наук*, 1(5).
10. Рахматуллаев, А., & Баратов, Х. (2020). Гўбдин тоғи ландшафтларида чўлланиш жараёнини тажриба участкалари ёрдамида ўрганиш. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Холмирзаев жуманазар, Abdazov, J.. J.(2020). Morphological features of buried soils of loess formations of the prytashkent region of uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 23 (1).
12. Холмирзаев, Ж. Э., & Усмонов, Ю. К. (2020). ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИРОДНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ СЕТЕЙ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ. In *ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИИ, ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ГЕОЭКОЛОГИИ* (pp. 200-203).
13. Холмирзаев, Ж., & Qosimov, N. (2021). Jizzax viloyati ichki suvglariga antropogen omillarning ta'siri. *Журнал естественных наук*, 1(2).